

## Аҳли сунна олимлари асрлар оша Ашъарий ва Мотуридий ақийда мазҳабида бўлганлар (тўққизинчи мақола)



15:30 / 25.08.2021 2947

Имом Ҳофиз ибн Асокир ўзининг «Табйину кизбил-муфтарий фима нусиба илал-имам Абу Ҳасан Ашъарий» (Имом Абу Мусо Ашъарийга нисбат берилган гаплар борасида бўҳтончининг ёлғонини очиқлаш) деган китобида Ашъарийни ҳимоя қилган фикҳий мазҳаблар уламоларини санаб чиқади. Бу уламоларни Тожуддин Субкий «Табақотуш-шофеъийя ал-кубро» асарида Ашъарий ақийдасида бўлган яна бошқа олимлар хусусида ҳам сўз юритган.

Ҳофиз ибн Асокир айтади: «Малоллантиришдан, чўзворишдан хавфсирашим бўлмаганида, асҳобларнинг (яъни, ашъарийларнинг)

барчасини айтиб ўтар эдим. Бироқ, осмондаги юлдузларни санаш имкони бўлмаганидек, Ашъарий уламолар ер юзи бўйлаб – Мағрибу Шом, Хуросону Ироқда тарқалганлари учун уларни санаб тугатиб бўлмайди».

Имом Субкий аллома Ибн Асокирнинг жуда кўплаб таниқли олимларни билишига қарамай, ашъарийларнинг таржимаи ҳолига бағишланган мазкур китобида Ашъарий бўлган бир қанча олимларнинг исму маълумотларини келтирмаганини бироз танқид остига олиб, ушбу камчиликни тўлдириш маъносида ашъарийлик эътиқодида бўлган ана шундай олимларнинг аксарини ўз китобига киритади.

Қуйида ушбу икки асар ва бошқа манбалар асосида Ашъарий ва Мотуридий ақийдавий мазҳабида бўлган уммат уламоларининг рўйхати берилди. Мана шунинг ўзиданоқ бу икки мазҳаб чиндан ҳам аҳли суннани ўзида ифода этганини англаш мумкин.

## **Хулоса**

Хулоса қилиб айтганда, Ашъарий ва Мотуридий мазҳабининг етакчи уламолари салафи солиҳларнинг ақийдавий йўлларнинг ҳақиқий меросхўрлари ҳисобланадилар. Уларни аҳли суннадан ташқари ёки салафларга зид қўйган тоифалар аслида ўзлари салафи солиҳларнинг ақийдаларидан оған кишилардир. Салафга эргашишликни даъво қилишнинг ўзи билан иш битмайди, балки бу даъво илмий ва амалий жиҳатдан ўзини оқлаши даркор.

Умматнинг асосий қисми асрлар оша эътиқод қилиб келган ақийдани залолатга чиқариш мусулмонларнинг ўз динига, тарихига, уламоларига бўлган ишончига зарба беришдан бошқа нарса эмас. Бунинг оқибати қанчалар ёмон эканини умматнинг бугунги воқелиги – ихтилофи, таназзули кўрсатиб турибди. Бу ҳам бир фитна ва синов бўлиб, Аллоҳ асраган кишиларгина ундан саломат қолади.

Мазҳабнинг маълум шахсга нисбат берилиши унинг янгилик пайдо қилганини англамайди. Бинобарин, фикҳий мазҳабларнинг асосчилари каби ушбу икки ақийдавий мазҳабнинг имомлари ҳам фақатгина бор таълимотларни тартибга солиб, қўшимча далиллар билан қувватлаб, батафсил баён қилганлар холос, бидъат пайдо қилмаганлар. Шунинг учун ҳам ўнлаб хилма-хил ақийдавий мазҳаблар ичидан айнан ушбу икки мазҳаб аҳли сунна уламолари тарафидан қабул қилинган ва салафи солиҳларнинг йўлига мувофиқ деб эътироф этилган. Асрлар оша Ислом умматининг энг

кўзга кўринган олимлари ақийда бобида Ашъарий ва Мотуридий мазҳабига мансуб бўлиб келганлар.

Афсуски, сўнги асрларга келиб, илмдан узоқлашиш ва бошқа омиллар сабабли шу пайтгача, яъни минг йил уммат тарафидан аҳли сунна ва жамоанинг эътиқодини ўзида ифода этиб келган, жумхур уламолар қўллаб-қувватлаб келган ушбу икки ақийда мазҳабини кимлардир, озчилик тоифалар адашганга чиқариб, хатто аҳли суннадан ташқари деб иддао қилиб қолишди. Бу ҳолат кўпчиликни шубҳага, фитнага солиб қўйди. Хатто анча-мунча аҳли илмлар ҳам чалғиб қолди ва Ашъарий-Мотрудийликни танқид қилишга ёки писанд қилмасликка ўтиб қолишди. Бироқ, ҳар ишда ҳикмат бор, деганларидек, кўзғатилган фитналарга қарши ўлароқ, мазкур икки ақийда олимлар тарафидан яна ҳам кенгроқ, чуқурроқ ўрганила бошлади ва натижада аҳли сунна ақийдасини баён қила билган мазҳаблар қайта жонланиб, ҳашавийлик, мужассималик ақийдаларининг кирдикорлари, хатолари фош бўлди.

Тарихда бир пайтлар мўътазила фирқаси хуруж қилиб, сиёсий дастаклар ёрдамида уммат бошида қора булутдек ёйилиб, ҳақ йўл сифатида кўрилиб, кўп ташвишларга сабаб бўлган эди. Аҳли сунна имомларининг қуёши порлагач, зулмат кетиб, ёруғлик, софлик ғалаба қозонган эди.

«Тарих ўз-ўзини такрорлайди», замонамизда Ашъарий ва Мотуридий мазҳабларига қарши курашувчилар яна сиёсий ва молиявий дастаклаш билан юзага чиқди. Бироқ, худди қадимда бўлганидек, аҳли суннага хуруж қилганларнинг хатолари забардаст, мустаҳкам илмга эга олимларнинг илмий баёнлари натижасида аста-секин фош бўлиб, араб оламида ҳам, Ислом оламининг бошқа минтақаларида ҳам Ашъарий ва Мотуридий мазҳабларининг овози кўтарилиб, дарё ўз йўлини топмоқда.

Аллоҳ таоло барчаларимизни ҳақда собит қилсин ва бутун Ислом умматининг қалбларини ҳақ узра бирлаштириб, соф эътиқодда бир тану бир жон бўлиб, башарият учун ҳидоятчи бўлишини насиб айласин!

**Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид**

**06.06.2020**